

# DEMOKRATLASHTIRISH

## VA INSON HUQUQLARI

Doi Journal 10.34920/p1696-2206-6326-y

3 (99) – 2023

ILMIY-MA'RIFIY JURNAL

### Tahrir kengashi raisi:

Akmal SAIDOV

### Bosh muharrir:

Erkin ERNAZAROV

### Xalqaro tahrir kengashi a'zolari:

Tanzila NORBOYEVA

(O'zbekiston)

Qudratilla RAFIQOV

(O'zbekiston)

Aslan ABASHIDZE

(Rossiya Federatsiyasi)

Yoh MATSUO

(Yaponiya)

Uilyam BATLER

(AQSH)

Tadeush BODIO

(Polsha)

Reyn MULLERSON

(Estoniya)

Tatyana MOSKALKOVA

(Rossiya Federatsiyasi)

Sergey UDARSEV

(Qozog'iston)

Taliya XABRIYEVA

(Rossiya Federatsiyasi)

### Tahrir hay'ati a'zolari:

Mirzatillo TILLABAYEV – yuridik fanlar doktori, professor.

Xalim BOBOYEV – yuridik fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi fan arbobi.

Omon OQYULOV – yuridik fanlar doktori, professor, O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan yurist.

Asqar G'AFUROV – yuridik fanlar nomzodi, dotsent.

Muzaffar MAMASIDDIQOV – yuridik fanlar doktori, professor.

Mixail GASANOV – yuridik fanlar nomzodi, dotsent.

Yelizaveta KUTIBAYEVA – yuridik fanlar doktori, professor.

Xaydarali MUXAMEDOV – yuridik fanlar nomzodi, professor.

### Bosh muharrir o'rinbosari:

Azizbek RAMAZONOV

### Mas'ul kotib:

Azamat JUMANIYAZOV

### TAHRIR HAY'ATIDAN

“Yangi hayot uchun, Yangi O'zbekiston uchun!” ..... 2

### O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT MUSTAQILLIGINING 32 YILLIGI

Muzaffar Ortiqov. Istiqloq mash'ali porlagay mangu ..... 4

### VATANIMIZ TARAQQIYOTI VA XALQIMIZ FAROVONLIGI UCHUN

Zayniddin Nizomxodjayev. Umume'tirof etilgan xalqaro demokratik saylovning amaldagi yorqin ifodasi ..... 7

Aktam Xaitov. Mamlakatimiz istiqbolini belgilagan ulkan siyosiy tadbir ..... 16

### INSON HUQUQLARI UMUMJAHON DEKLARATSIYASINING 75 YILLIGI

“Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasining yetmish besh yilligi hamda Vena deklaratsiyasi va Harakatlar dasturining o'ttiz yilligini nishonlash to'g'risida”gi BMT rezolutsiyasi ..... 19

Sergey Udarsev. Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi: ahamiyati, asosiy ijodkorlar, XXI asrning yangi da'vatlari ..... 21

Qalandar Abdurahmonov. Erkinlik va tenglik qomusi ..... 28

Murod Turg'unov. Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi – inson huquqlariga oid xalqaro qonunchilikning asosi ..... 32

### JAMIYAT VA HUQUQ

Xasan Okyulov. Fuqarolik jamiyatining rivojlanishida mulkdorlar qatlami shakllanishi evolutsiyasi ..... 38

Azizbek Ramazonov. Inson huquqlari jurnalistikasining tadqiq etilishi, mohiyati va o'ziga xos jihatlari ..... 44

### ANJUMANLAR. TADBIRLAR. TAQDIMOTLAR ..... 49

#### MUASSIS:



INSON HUQUQLARI  
BO'YICHA O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
MILLIY MARKAZI

#### HAMMUASSISLAR:



O'ZBEKISTON  
KASABA UYUSHMALARI  
FEDERATSIYASI



OLIY MAJLISNING  
INSON HUQUQLARI  
BO'YICHA VAKILI  
(OMBUDSMAN)

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ: АҲАМИЯТИ, АСОСИЙ ИЖОДКОРЛАР, XXI АСРНИНГ ЯНГИ ДАЪВАТЛАРИ

Doi: 10.34920/ DHR.2023.3.001



**Сергей УДАРЦЕВ,**  
Қозоғистон гуманитар-юридик  
университети Ҳуқуқий сиёсат ва  
конституциявий қонунчилик ил-  
мий-тадқиқот институти директори,  
юридик фанлар доктори, профессор

**Аннотация.** Мақолада 1948 йилда қабул қилинган, 2023 йил 10 декабрда 75 йиллиги нишонланадиган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳуқуқий тафаккур ривожланишининг яқуни бўлгани ҳамда жаҳон мамлакатлари қонунчилигига, айниқса, конституциявий ҳуқуққа жиддий равишда ижобий таъсир этгани кўрсатилган. Муаллиф декларациянинг яратилиш тарихини баён қилгани ҳолда унинг ижодкорлари – Элеонора Рузвельт (АҚШ), Рене Кассен (Франция), Жон Хамфрини (Канада) алоҳида таъкидлаган. Шунингдек, XXI асрдаги янги даъватлар, жумладан сунъий интеллект яратилиши ва қўлланишини халқаро ва миллий даражаларда ҳуқуқий тартибга солиш зарурати, инсон ва инсониятнинг хавфсизлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш ва ривожлантиришни таъминлашнинг аҳамияти алоҳида қайд этилган.

**Калит сўзлар:** Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги, ҳуқуқнинг тадрижий ривожланиши, Элеонора Рузвельт, Рене Кассен, Жон Хамфри, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва XXI асрдаги янги даъватлар, сунъий интеллектни ҳуқуқий тартибга солиш, инсон ва инсоният хавфсизлиги.

**Abstract.** The article shows that the Universal Declaration of Human Rights adopted by the UN in 1948, the 75 anniversary of which is to be celebrated on December 10, 2023, was the result of the development of the legal thought on human rights and has had a significant positive impact on the legislation of countries all over the world, especially on constitutional law. The author briefly examines the history of the Declaration and highlights its main creators such as Eleanor Roosevelt (USA), René Cassin (France), and John Humphrey (Canada). Speaking about the new challenges of the 21st century, the author draws attention, in particular, to the need for adequate additional legal regulation at the international and national levels of the development and application of artificial intelligence (AI), especially autonomous AI, to ensure human safety and the security of mankind, protection and development of human rights and freedoms.

**Key words:** Universal Declaration of Human Rights, human rights and freedoms, evolution of law, Eleanor Roosevelt, René Cassin, John Humphrey, Universal Declaration of Human Rights and the challenges of the 21st century, legal regulation of artificial intelligence, human safety and the security of mankind.

**Аннотация.** В статье показано, что Всеобщая декларация прав человека, принятая ООН в 1948 году, 75-летие которой отмечается 10 декабря 2023 года, явилась своего рода итогом развития правовой мысли о правах человека и оказала значительное позитивное влияние на законодательство стран мира, особенно на конституционное право. Автор кратко рассматривает историю появ-

ления Декларации, выделяет таких ее основных создателей, как Элеонора Рузвельт (США), Рене Кассен (Франция), Джон Хамфри (Канада). Говоря о новых вызовах XXI века, автор обращает внимание, в частности, на необходимость адекватного дополнительного правового регулирования на международном и национальном уровнях разработки и применения искусственного интеллекта (ИИ), особенно автономного ИИ, для обеспечения безопасности человека и человечества, защиты и развития прав и свобод человека.

**Ключевые слова:** Всеобщая декларация прав человека, права и свободы человека, эволюция права, Элеонора Рузвельт, Рене Кассен, Джон Хамфри, Всеобщая декларация прав человека и вызовы XXI века, правовое регулирование искусственного интеллекта, безопасность человека и человечества.

### Инсониятнинг асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжати

2023 йил 10 декабрда инсоният Инсон ҳуқуқлари халқаро кунини (1950 йилдан бери) ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 75 йиллигини нишонлайди. БМТ Бош Ассамблеяси 1948 йилнинг 10 декабрида мазкур тарихий ҳужжатни қабул қилган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсоннинг асосий ҳуқуқларини ижтимоий онгдаги аҳамиятини ифода этадиган муҳим ҳужжат ҳисобланади. Расмий жиҳатдан ушбу халқаро-ҳуқуқий ҳужжат тавсия хусусиятига эга, аммо унинг халқаро ҳуқуққа таъсири натижасида жаҳондаги мамлакатлар қонунчилигига, айниқса, конституциявий ҳуқуқ қоидаларига жиддий таъсир кўрсатади.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган мазкур декларациянинг муқаддимасида жумладан қуйидагилар таъкидланган: “Инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр-қиммат ва уларнинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлигини эътиборга олиб;

инсон ҳуқуқларини менсимаслик ва уни поймол этиш инсоният виждони қийналадиган ваҳшиёна ишлар содир этилишига олиб келганини, кишилар сўз эркинлиги ва эътикод эркинлигига эга бўладиган ҳамда кўрқув ва муҳтожликдан ҳоли шароитда яшайдиган дунёни яратиш инсонларнинг эзгу интилишидир деб эълон қилинганлигини эътиборга олиб;

инсон охириги чора сифатида зулм ва истибодга қарши исён кўтаришга мажбур бўлишининг олдини олиш мақсадида инсон ҳуқуқлари қонун кучи билан ҳимоя этилиши зарур эканлигини эътиборга олиб;

халқлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш зарурлигини эътиборга олиб;

Бирлашган Миллатлар халқлари инсоннинг асосий ҳуқуқларига, шахснинг қадр-қимматига, эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқчилигига, ўз эътиқодларини Низомда тасдиқлаганликларини ҳамда янада кенгрок эркинликда ижтимоий тараққиёт ва турмуш шароитларини яхшилашга кўмаклашишга аҳд қилганликларини эътиборга олиб;

аъзо бўлган давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ялпи ҳурмат қилиш ва унга риоя қилишга кўмаклашиш мажбуриятини олганлигини эътиборга олиб;

мазкур ҳуқуқлар ва эркинликларнинг характери ялпи тушуниш ушбу мажбуриятларнинг тўлиқ адо этилиши учун қатга аҳамиятга эга бўлишини эътиборга олиб;

Бош Ассамблея мазкур Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини барча халқлар ва барча давлатлар бажаришга интилиши лозим бўлган вазифа сифатида эълон қилар экан, бундан муддао шуки, ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир ташкилоти доимо ушбу декларацияни назарда тутган ҳолда маърифат ва таълим йўли билан бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳурмат қилинишига кўмаклашиши, миллий ва халқаро тараққийпарвар тадбирлар орқали ҳам унинг бажарилиши таъминланишига, ташкилотга аъзо бўлган давлатлар халқлари ўртасида ва ушбу давлатларнинг юрисдикциясидаги ҳудудларда яшаётган халқлар ўртасида ялписига ва самарали тан олинисига интилишлари зарур”<sup>1</sup>.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси халқаро ҳуқуқ, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Иттифоқининг инсон ҳуқуқлари ва эркин-

<sup>1</sup> Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган // <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>.

ликлари, кўпгина мамлакатларнинг инсон ва фуқаро эркинликлари ҳамда ҳуқуқлари меъёрларига жиддий таъсир кўрсатди. Ушбу декларация XX асрнинг ҳуқуқий мафқураси ва ҳуқуқшунослик фанига инсоният ҳамжамияти муносабатларини тартибга солишга йўналтирилган тадқиқотларга ўз таъсирини кўрсатди.

Қозоғистонда 2022 йилги конституциявий ислохотлар мамлакатда ҳуқуқни ҳимоя қилишни янада мустаҳкамлашни таъминлашга хизмат қилди. Қозоғистон Республикаси Конституциясида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил институтини жорий этиш ҳамда Конституциявий суд ташкил қилиш мустаҳкамланди. Ушбу суд фуқароларнинг ўз ҳуқуқларига тааллуқли бўлган амалдаги қонунчилик конституциявий нормалари масалалари бўйича мурожаат қилиш ҳуқуқини яратди.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси “инсон ҳуқуқларига тааллуқли ягона халқаро ҳужжат бўлиб, унинг қоидаларига барча мамлакатлар амал қилишга интилади”<sup>2</sup>.

Ушбу буюк ҳуқуқий ва сиёсий ҳужжат жамият ҳамда алоҳида ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ўрганишга яқун ясади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишонarli тарзда ҳимоя қилиш ҳамда инсоннинг шахсий ҳавфсизлигини таъминлаш инсоният ижодий имкониятлари ва ташаббускор фаолиятини ривожлантириш учун энг мақбул шарт-шароит яратади, йирик ва кичик ижтимоий гуруҳларга доир бўлган алоҳида шахснинг шахсий манфаатлари ва эҳтиёжларини амалга оширишга хизмат қилади.

Умумжаҳон декларациясида инсоннинг ҳаёти, ривожланиши учун зарур бўлган табиий ҳуқуқлар мавжудлиги тан олиними, айниқса, муҳимдир. Табиий ҳуқуқлар, инсоннинг табиий ҳуқуқлари, ғоялари кўҳна дунёда ҳам маълум эди. Масалан, қадимий Хитойдаги файласуф Лао Цзе жаҳоннинг табиий равишда ривожланиши ва ўзини-ўзи тартибга солиши асосида ижтимоий тартиблар, жамият ва инсон фаолияти жараёнлари шаклланишини эътироф этган<sup>3</sup>.

Кўҳна Римда табиий қонунлар (яъни, табиий ҳуқуқлар) тўғрисида Цицерон фикр юритган. У табиий ҳуқуқни оқилона заруратга асосланган, мажбурланмайдиган, ўзини-ўзи тартибга соладиган қоидалар сифатида талқин этган. Ўрта асрларда табиий ҳуқуқлар кўпинча илоҳий ҳуқуқ, илоҳий ирода сифатида тан олинган. Буржуа инқилоблари даврида инсон ва халқнинг табиий ҳуқуқи феодал ҳуқуқ тизими, тартиби инсон ҳуқуқларини бузиши учун асосли равишда танқид қилинган, айна пайтда келажакда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишга асосланган эркин, шартномавий жамият асосланган. Сўнгги юз йилликлардаги тартиблар, шафқатсиз жаҳон урушлари инсоннинг ҳаёт кечириши муддатини камайтирган. Бу жаҳон сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурини инсон ҳуқуқларининг мафқуравий-сиёсий ва ҳуқуқий асоси сифатида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини яратиш заруратини туғдирган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилингандан сўнг унда мустаҳкамлаб қўйилган иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқларни такомиллаштириш, жаҳон мамлакатлари тарихий ва маданий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ушбу ҳуқуқларни ҳимоя қиладиган сиёсий ва ҳуқуқий механизмларни ривожлантириш энг муҳим вазифага айланди.

### Машҳур декларациянинг асосий ижодкорлари

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси халқаро жамоавий ижодиёт маҳсулидир. Унинг яратилиши бир неча босқичларни босиб ўтган.

1947 йил январь-февраль ойларида турли мамлакатлар вакилларининг 18 аъзосидан иборат БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси йиғилишлари бўлиб ўтган. Ушбу комиссиянинг раиси этиб Элеонора Рузвельт (1884 – 1962) сайланган. У АҚШ демократик партияси вакиласи бўлган машҳур аёл эди. АҚШнинг 32-Президентининг рафиқаси Элеонора Рузвельт олти фарзанднинг онаси бўлган. Франклин Рузвельт Элеонора билан 16 йил турмуш қургандан сўнг 1921 йилда оғир хасталикка учраган ва ушбу ка-

<sup>2</sup> Всеобщая декларация прав человека и национальная система защиты прав человека в Узбекистане / Отв. ред. А.Х. Саидов. – Ташкент, 2009. – С. 7.

<sup>3</sup> Қаранг: Ударцев С.Ф. История политических и правовых учений. Древний Восток: Академический курс. – СПб.: Издательский дом Санкт-Петербургского государственного ун-та, Издательство юридического факультета СПбГУ, 2007. – 664 с.

саллиги туфайли чорак аср давомида ногиронлар аравачасида ҳаракат қилган. Элеонора Рузвельт турмуш ўртоғининг бу хасталигига қарамасдан унинг ижтимоий ҳаётда фаол бўлишига эришган. Натижада у 1928 йилда Нью-Йорк штати губернаторлигига сайловда ғолиб чиққан ва самарали фаолият олиб борган. Кейинроқ Элеонора турмуш ўртоғини 1932 йилги Президент сайловларида ҳам қўллаб-қувватлаб, АҚШ раҳбари этиб сайланишига ҳал қилувчи ҳисса қўшган. Шундан сўнг ҳам у Президент томонидан амалга оширилаётган ислохотларда ёрдам кўрсатган.

Маълумки, Франклин Рузвельт тўрт маротаба, сўнгиси 1944 йилда АҚШ Президенти этиб сайланган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Элеонора Рузвельт АҚШ Мудофаа вазирининг ўринбосари вазифасида ишлаган. Урушдан сўнг БМТ ташкил этилгандан кейин Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси матнини тайёрлаш давомида бевосита у 1947-1948 йилларда кенгайтирилган комиссиялар ва кичик гуруҳларга раҳбарлик қилган.

1947 йилнинг январида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари комиссияси ташкил этган биринчи мажлисга Элеонора Рузвельт раислик қилган, унинг ўринбосари эса Рене Кассен бўлган.

Декларацияни ташкил этиш комиссияси аъзолари ўртасида турлича фикрлар бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда ушбу ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш учун уч аъзо – Элеонора Рузвельт, Хитой вакили, дипломат, драматург ва режиссёр Чжан Пэнчун ҳамда ливанлик дипломат ва файласуф, БМТда Ливаннинг вакили Шарль Маликдан (кейинроқ, 1950 йилларнинг иккинчи ярмида у Ливаннинг Таълим вазири ва Ташқи ишлар вазири бўлган) иборат кичик комиссия ташкил этилган. Аммо ушбу гуруҳда ҳам декларация лойиҳасига нисбатан жиддий қарама-қарши фикрлар бўлган.

Кичик комиссия БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича котибиятининг бўлими директори, канадалик халқаро ҳуқуқшунос Жон Хамфрига (1905 – 1995) ходимлари билан биргаликда ҳужжат лойиҳасини тайёрлашни топширган. Натижада турли маслаҳатлашувлар орқали тарихий декларациялар, ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунлар таҳлил этилган ҳолда 400 бетга яқин ҳажмда инсон ҳуқуқлари тўплами тайёрланган.

Машҳур ҳуқуқшунос Жон Хамфри БМТ Котибияти Инсон ҳуқуқлари бўйича бўлимининг биринчи раҳбари ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини ишлаб чиққан асосий муаллифлардан бири бўлган. У 20 йил давомида – 1966 йилгача БМТда фаолият кўрсатган. Декларациянинг 40 йиллигида – 1988 йилда унга БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича мукофоти тақдим этилган. БМТдаги фаолиятдан сўнг Жон Хамфри Канаданинг энг машҳур университетида ўқитувчилик қилган ва 90 ёшигача инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этган. Канадада “Ҳуқуқ ва демократия” ҳуқуқни ҳимоя қилиш гуруҳи ҳар йили Жон Хамфрининг эркинлик учун мукофотини муносибларга тақдим этади.

1947 йилнинг июнида Хамфрининг кенг қўламли матни тайёрлангандан сўнг эндиликда таркиби биров кенгайтирилган кичик комиссия яна ишга киришган. Бу янги аъзолар орасида, айниқса, Рене Кассенни (1887 – 1979) алоҳида кўрсатиш лозим. У французлик ҳуқуқшунос, давлат ва жамоат фаоли сифатида декларациянинг асосий муаллифларидан биридир<sup>4</sup>. У Прованс ва Париж университетларида таълим олган, ҳуқуқ, иқтисодиёт, гуманитар ва сиёсий фанлар билан шуғулланган. 1914 йилда фан доктори илмий даражасини олган ҳолда адвокатлик қилган. Биринчи жаҳон уруши йилларида пиёда қўшинлари зобити бўлган, урушда оғир яралангандан сўнг Францияда – Лилль ва Парижда ўқитувчилик қилган. Шу билан бирга у Франциянинг Миллатлар Лигасида Франция вакили сифатида 1924 – 1938 йилларда қуролсизланиш бўйича қатор анжуманларда иштирок этган. 1941 – 1943 йилларда у “Эркин Франция” ҳукуматида Мудофаа кенгаши котиби, сўнг Адлия ва Халқ таълими комиссари бўлган. Франция озод қилингандан сўнг 1944 йилда Кассен Давлат кенгаши президентининг ўринбосари ва Конституциявий кенгаш аъзоси бўлган. 1945 йилда Миллий бошқарув мактаби кенгашига раҳбарлик қилган, 1945 – 1950 йилларда эса ЮНЕСКОнинг француз делегати бўлган.

1946 йилда Кассен Халқаро демократ юристлар уюшмасининг биринчи президенти сифатида фаолият олиб борган. 1950 – 1960 йилларда эса Гаагадаги халқаро суд судьяси, 1965 – 1968 йил-

<sup>4</sup> Лауреаты Нобелевской премии: Энциклопедия. В двух томах. Т. 1. Пер. с англ. – М.: Прогресс, 1992 – 861 с. – С. 521-523. См. также статью, сокращенно повторяющую в основном статью из книги «Лауреаты Нобелевской премии»: Кассен, Рене. Материал из Википедии – свободной энциклопедии / [https://ru.wikipedia.org/wiki/Кассен,\\_Рене](https://ru.wikipedia.org/wiki/Кассен,_Рене).

ларда Европа инсон ҳуқуқлари судининг раиси ва-зифаларида ишлаган. У Британия академиясининг аъзосидир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 20 йиллиги муносабати билан 1968 йилда Рене Кассен Тинчлик бўйича Нобель мукофотига, шунингдек, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича мукофотига сазовор бўлган. У ўзига Нобель мукофоти тақдим этилиши муносабати билан сўзлаган нутқида “давлатнинг юрисдикцияси энг муҳим тамойил” бўлса ҳам, “у пировард натижа ҳисобланмайди” деб таъкидлаган. Ушбу нутқида Кассен декларациянинг аҳамиятини, “Биринчидан, инсон халқаро ҳуқуқ субъекти даражасига кўтарилди, иккинчидан давлатлар ўз мустақилликларини халқаро ҳуқуқни ҳисобга олган ҳолда амалга оширишга рози бўлдилар”<sup>5</sup> дея изоҳлаган.

Жон Хамфри тайёрлаган декларация лойиҳасининг кенгайтирилган ҳолати муҳокама қилингандан сўнг яна тўрт кишидан иборат кичик комиссия ҳужжатнинг қисқа матнини тайёрлаш учун ташкил этилган. Ушбу кичик комиссия таркибига Элеонора Рузвельт, Рене Кассен, Жон Хамфридан ташқари инглиз сиёсатчиси Жеффри Уилсон ва ливанлик дипломат Шарль Малик кирган. Кичик комиссия Рене Кассенга ҳужжатнинг қисқа лойиҳасини тайёрлашни топширган. Бу лойиҳа 1947 йилнинг июнида тайёрланган.

Декларация қабул қилингандан сўнг биринчи ўн йилликлар давомида Рене Кассен унинг асосий ижодкори деб ҳисобланган. Элеонора Рузвельт кўпинча, “Декларация матни бевосита Жон Хамфри томонидан тайёрланган”, деб таъкидлаб келган<sup>6</sup>. Бироқ Кассен вафотидан сўнг тадқиқотчилар Жон Хамфри ҳужжатларида ушбу қисқа матннинг қўлёзма кораламасини топишган. Хамфрининг ўзи эса декларациянинг асосий муаллифи эканлигини рад этиб келган. У ушбу ҳужжатнинг якуний матни катта гуруҳ аъзолари меҳнати маҳсули деб таъкидлаган<sup>7</sup>.

Элеонора Рузвельт, Рене Кассен, Жон Хамфри ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини яратиш жараёнида иштирок этган бошқа

шахсларнинг матонатли меҳнати натижасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини халқаро эфирроф этиш даражасига кўтарган ушбу тарихий ҳужжат шаклланган. Бу кўпгина жаҳон давлатлари конституцияларининг мазмунини тубдан ўзгартирган ва ана шу давлатлар ҳуқуқларига ижобий таъсир кўрсатган.

### **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва XXI асрнинг янги даъватлари**

Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим Глобал анжуманининг (2022 йил 5-6 декабрь, Самарқанд) якуний ҳужжатида аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари учун халқаро ва миллий таълим дастурларида инсон ҳуқуқларини ривожлантириш ҳамда ҳуқуқни ҳимоя қилиш институтларини мустаҳкамлаш учун ниҳоятда фойдали бўлган кенг қўламли қоидалар ўз ифодасини топган. Шу билан бирга ушбу ҳужжатда ўзгараётган шарт-шароитларни ижодий ҳисобга олиш ҳамда инсон ҳуқуқлари халқаро стандартларини жорий қилиш қайд этилган. Унда “бутун жаҳонда одамлар дуч келаётган жуда кўп ўзаро муаммолар, жумладан ёшлар, аёллар ва қизлар, мигрантлар ва қочоқлар, шунингдек ногиронлиги бўлган шахслар ҳолатини ҳисобга олган ҳолда тегишли чораларни кўриш” қайд этилган<sup>8</sup>. Ҳозирги пайтда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари муаммоларини тадқиқ этишда инсон ва инсоният тараққиётининг истиқболлари билан боғлиқ яна бир долзарб муаммо мавжуддир.

1948 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қабул қилиниши ҳуқуқий тафаккурни тарихий ривожлантиришда муҳим нукта бўлди. Ушбу ҳужжат инсоният ҳуқуқининг асосий пойдеворларидан бири – XX асрнинг якуний халқаро-ҳуқуқий ҳужжати бўлди.

Шу билан бирга ҳуқуқий ривожланишнинг ушбу тарихий чўққиси инсон ва инсоният тарихий тараққиёти йўлида сўнгги нукта эмасга ўхшайди. XXI асрда илмий-техникавий ва технологик ривожланиш кўпгина соҳаларда тараққиётнинг янги уфқларини очиб бераётган ва аввал номаълум бўл-

<sup>5</sup> Лауреаты Нобелевской премии: Энциклопедия. В двух томах. Т. 1. Пер. с англ. – М.: Прогресс, 1992 – С. 523.

<sup>6</sup> Ўша жойда.

<sup>7</sup> Всеобщая декларация прав человека // Материал из Википедии — свободной энциклопедии / [https://ru.wikipedia.org/wiki/Всеобщая\\_декларация\\_прав\\_человека](https://ru.wikipedia.org/wiki/Всеобщая_декларация_прав_человека).

<sup>8</sup> 2023-2024 йилларда Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни ривожлантириш бўйича Самарқанд ҳаракатлар режаси // “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” журналы, 2023 йил, 1-сон.

ган кўпгина соҳаларда ўз ифодасини топмоқда. Ана шундай ҳолатлардан бири янги ахборот технологиялари ҳисобланиб, улар маълумотларнинг улкан миқдорини қайта ишлаш ва сақлаш имкониятини яратди. Шунингдек, ҳаётини жараёнларга таъсир кўрсатадиган биотехнологиялар ўсимликлар ривожланишини, тирик организмларни тартибга соладиган инсон имкониятларини яратадиган тараққиётни кўрсатди.

Сунъий интеллект яратилиши ва унинг турли шакллари жорий этиш фуқаролар ҳаётида ва қуролли кучларда ўз ифодасини топмоқда. Инсониятнинг илмий-техникавий, иқтисодий, сиёсий тараққиётининг янги даражаси инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳам кўпгина янги муаммоларни юзга чиқармоқда. Ҳуқуқ, шунингдек халқаро ҳамда миллий даражада ҳуқуқий тартибга солиш айрим асосий тасаввурларни қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда. Улар қаторида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- глобал жаҳон тартиб қоидалари пайдо бўлиши, халқаро ҳуқуқ ва халқаро институтларда инкирозли ҳолатлар, келажакда халқаро ҳавфсизликнинг янгиланган моделини яратиш, халқаро институтлар ҳамда илмий-техникавий тараққиёт даражаси, халқаро майдондаги кучлар ўзгариши;

- инсон фаолияти билан боғлиқ глобал қўламда етарли даражада назорат қилинмайдиган ва тартибга солинмайдиган глобал экология муаммоларининг ортиши, технология ва иқтисодий тараққиётнинг янги даражага кўтарилиши;

- ўзини-ўзи ўқитадиган, дастурлай оладиган, мухтор тарзда қарорлар қабул қиладиган сунъий интеллект туфайли инсон ва инсоният учун янги хавфларнинг яратилиши, сунъий интеллектнинг инсониятга қўшилган ҳолда биргаликдаги тараққиёт даври бошланиши;

- космик иқтисодиёт ва космик давлатчилигининг, энг аввало, жаҳондаги энг ривожланган давлатлар асосида шакллантирилиши, коинотни забт этишнинг янги босқичи бошланиши ва ушбу соҳада янги имкониятлар ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларида тадқиқотларнинг пайдо бўлиши;

- янги шароитларда давлатнинг барқарор модернизацияланиши ҳамда ҳуқуқий ва юқори технологияли кучли давлатларнинг шакллантирилиши, унинг сиёсати ва ҳуқуқий тартибот тизими ҳисобга олинмоқда.

Ижтимоий ҳаёт соҳалари ва давлат бошқарувида рақамлаштириш, шунингдек XXI асрда кўпчилик давлатларда робот техникасининг жорий этилиши меҳнат унумдорлигини жиддий равишда ошириш ҳамда давлатни бошқариш самарадорлигини кучайтириш имкониятини яратмоқда. Шу билан бирга сунъий интеллектнинг яратилиши инсон учун янги хавфларни пайдо қилмоқда. Сунъий интеллектнинг фуқаролик соҳаларида ҳамда қатор мамлакатларда ҳарбий корпорацияларда инсон имкониятларидан устун бўлган ҳолатлар, шу жумладан ахборотни қайта ишлаш ҳажми, қарорлар қабул қилиш тезлиги, сунъий интеллектдан техника бошқариш учун фойдаланилиши инсон имкониятларидан устун бўлган ҳолда номақбул ҳолатларни пайдо қилади.

Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларда сунъий интеллектни жорий этиш тобора кучайиб, иқтисодиёт, молия, банк, маданият, сиёсат ва ҳарбий соҳаларда, шунингдек ердаги космик фаолиятда етакчилик учун рақобат кучаймоқда. Ушбу беллашувда ғолиб давлатлар ва корпорациялар келажакда ушбу соҳаларда орқада қолганлардан жиддий устунликка эга бўлади ҳамда фуқаролар асосий қисмини назорат қилиш ва бошқаришга таъсир кўрсатади.

Шу муносабат билан сунъий интеллектнинг инсон воситасидан алоҳида иш кўриши, юридик маънода, ҳуқуқий тартибга солиш объектидан ҳуқуқ муносабатлари субъектига айланиши ўз оқибатларини келтириб чиқариши мумкин. Бунга 2023 йилда сунъий интеллект нейрон тармоқларидан очиқ муомала қилиш чат-ботини ишга туширган фирманинг бош директори Сэм Альтман эътибор қаратган.

Сунъий интеллектни фаол жорий этиш трансмиллий корпорацияларга бошқа ташкилотлар ва давлатлар билан рақобатда янги устунликларни яратади. Сунъий интеллектдан давлатларда ҳамда халқаро даражада турли кучлар томонидан фойдаланиш, бу соҳада рақобат ва кураш халқаро муносабатларда кучларнинг ўзгаришига олиб келиши муқаррар бўлиши мумкин. Ана шундай шароитларда кучли ҳуқуқий ва юқори технологияларга эга давлатлар янгиланган ва янада қудратлироқ бўлган халқаро институтлар билан биргаликда глобал ва минтақавий ҳавфсизликни таъминлаши, янги шароитларда инсон ҳуқуқлари ва эркин-

ликларини ҳимоя қилиши ва кенгайтириши мумкин<sup>9</sup>.

Яқин келажакда сунъий интеллект пайдо бўлганини ҳисобга олган ҳолда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қайта кўриш зарурати пайдо бўлади. Бу эҳтимол ҳам миллий, ҳам халқаро даражада кенг қўламли ҳуқуқий тартибга солишни талаб этиши мумкин. Шундай экан сунъий интеллектни яратадиган давлатлар ўртасида халқаро шартномаларнинг янги турлари пайдо бўлишини ядровий қуролларни назорат қилиш тўғрисидаги шартномалар мисолида қайта кўриб чиқиш талаб этилиши мумкин.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев 2020 йилнинг декабрида ўтказилган конференциядаги нутқида, “Сунъий интеллектдан можароларда, геосиёсий қарамақаршиликларда “қурол” сифатида фойдаланиш имконияти намоён бўлмоқда”, деб алоҳида таъкидлади. Хавфсизлик ва қуролланишни назорат қилишнинг мавжуд ҳолати кибер технологиялар ва сунъий интеллект соҳаларида ўзаро қарши туришни чуқурлаштириши мумкин бўлган қуроллар устидан назорат қилишни талаб этади. Бундан келиб чиққан ҳолда алоҳида мамлакатлар, сиёсий гуруҳлар ва

ҳатто юқори технологияларга эга айрим корпорациялар алоҳида мақомга эга бўлишга интилишлари ҳамда бошқа мамлакатларга ўз шартларини қўйишлари мумкин.

Шу сабабли Қозоғистон Президенти халқаро ҳамжамиятга сунъий интеллект технологияларини инсонга зарар келтириш ва унинг ҳуқуқларини бузиш учун қўлламаслик тўғрисида меморандум қабул қилишни таклиф этди. Давлат раҳбарининг фикрича, ана шундай ҳужжат инсоният учун ахлоқий ўзига хос пакт бўлиши мумкин<sup>10</sup>. Сунъий интеллектни яратиш ва истиқболда уни такомиллаштириш ҳамда ишлатиш чегараларини тартибга солиш тўғрисида давлатлараро шартномалар имзолаш, шунингдек ана шу ҳужжатларни амалга ошириш учун махсус миллий ва халқаро органлар таъсис этиш ҳуқуқ тизимида умуман муайян таъсир кўрсатиши, инсон ва инсоният хавфсизлигини таъминлашга қўмаклашиши мумкин.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳуқуқий ривожланишда яна узоқ вақт ўз аҳамиятини намоён этиб, унда белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўлдирилиши, янада кенгайтирилиши ҳамда инсоният тараққиёти натижасида янги халқаро ва қонунчилик ҳужжатлари билан тўлдирилиши мумкин.



<sup>9</sup> Ударцев С.Ф. Право и государство как институты и идеи: прошлое, настоящее и будущее (избранное). – М.: Юрлитинформ, 2022. – 536 с.

<sup>10</sup> Президент Казахстана выступил на онлайн-конференции «Artificial Intelligence Journey». 4 декабря 2020 года // Официальный сайт Президента Республики Казахстан / [https://www.akorda.kz/ru/events/astana\\_kazakhstan/participation\\_in\\_events/prezident-kazahstana-vystupil-na-onlain-konferencii-artificial-intelligence-journey](https://www.akorda.kz/ru/events/astana_kazakhstan/participation_in_events/prezident-kazahstana-vystupil-na-onlain-konferencii-artificial-intelligence-journey).